

ГАП ШУНДАКИ, балиқчи
юмга Аляска судидан 1,5 м
елди. Хайрон булган жамоа
риштрин. Маълум бўлишича,
тида халиги балиқчи бир Аме
Бунн ешитган жамоа даъво пу
пайтида ахлоқсизлики қилган
патниши афзал қиришди. Чун
сиз аёллар ўртасида бундай
усулига кирганидан беҳабар эд

Tabani
GROUP OF COMPANIES

RICHMOND



AMERICAN
BLEND

Бизнинг Ўзбекистондаги савдо
агентларимиз: "Мунис ЛТД", "Хесо ЛТД"
фирмалари ҳамда "Фриа" фирмаси.

Тўлиқ маълумотларни қуйидаги
манзилдан олишингиз
мумкин: Тошкент,
Катта Миробод кўчаси, 158
(Ивлев, 67),

Табани групп оф компаниз.

Телефонлар: (3712) 32-35-53,
54-06-70,
54-07-98,
55-35-49

Факс: (3712) 54-08-30
Телекс: 116416 TBANI, SU.



RICHMOND

бошқарувчиси Аббасов,

Чакиш соғлигингиз учун зарарлидир!

Биз чекмайдиганларни чеккига даъват этмокчи эмасмиз. Лекин чеккучилар сифатли "РИЧМОНД" сигаретларини чекишларини хоҳлаймиз.

ЛУҚМА

Очилдию...ёпилди

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан қайта қуриш чоралари тўғрисида»ги буйруғига асосан ўтган йили Нукус шаҳрида 15 ўринли хўжалик ҳисобидаги тиббий хизмат бўлими очилган эди. Юқори малакали мутахассислар хизмат қила бошлаган мазкур бўлимда асосан ички аъзоларни ёзалаш каби мураккаб тиббий жараёнлар амалга оширила бошланди.

Дастлабки натижалар ёмон бўлмади. Бу ерга шифоистаб келувчилар сони кун сайин кўпайди. Атиги тўрт ой ичида бўлим газнасига 450 минг сўмга яқин пул тушди. Ана шу маблағ ҳисобидан ишчи-хизматчиларга маош берилиб, шифохона биноси қайта таъмирланди. Хуллас, ишлар бароридан келаётган эди. Аммо ўтган йилнинг декабрь ойида Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан негизли мазкур бўлим ёпиб қўйилди.

Кўпчилик аҳолининг талаб ва истакларига биноан шу йилнинг апрель ойида ёса соби даво масканига яна шу вазирлик томонидан инсон организмнинг тозалаш ва ультратовуш ердамида ташхис қўйиш бўйича пулли хизмат кўрсатиш ҳуқуқи берилди.

Боши осмонга етган бўлим

хизматчилари яна бурунгидек ихлол билан ишлай бошладилар. Мижозлар сони кўпайгандан-кўпаяверди. Қисқа фурсат ичида 400 га яқин киши бу ерда ҳеч қандай тигисиз, оғриқсиз ошқозон, буйрак, ўт пуфакда тош пайдо бўлиши каби дардлардан халос бўдилар. У ерда сақланаётган икки жилдли «Фир-мулоҳазалар китоби»да миннатдор инсонларнинг дил сўзлари бундан гувоҳлик бериб турибди.

Лекин, афсуски, кўпчиликнинг қувончи тагин узоққа чўзилмади. Шаҳарнинг бир чеккасида жойлашган бу бўлимдан мижозларнинг кети узилай қолиши, афтидан, кимларгадир ёқмади, шекилли, 17 май кунини шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимида: «Епилсин, барча хизматчилар ишдан бўшатилсин!» деган янги буйруқ келди.

— Хайронман, бу қанақаси бўлди? — дея қуйиб-пишиб гапирди шифохона бош врач Клара Ҳакимбоева. — Фақат «Очилсин! Епилсин!», дея буйруқ беришди, холос. Лекин ҳеч қандай сабабини айтишмайди. Умидвор мижозларимиз қатновни аса тўхта-маяпти...

Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ва вазирликдаги мутахассислар бунинг сабабини муштарийларга айтишар балки?..

Мансур АХМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• Спорт •

БУЛУНҒУРДА ЗЎР БАЙРАМ БЎЛДИ

КЕЙИНГИ пайтда республикамизда спорт ва соғломлаштириш ишларига катта эътибор берилаяпти. Вилоят ва туманларда кенг омма иш-тироқида спорт байрамлари ўтказилаяпти. Албатта, бундай хайрли тадбирлар кишиларнинг маданий ҳордиқ чикаришларида, оз бўлса-да турмуш ташвишларидан халос бўлиб, ором олишларида катта роль ўйнайди.

Шундай байрамлардан бири шайба кунини Булунғур туманида бўлиб ўтди. Туманида «Спорт» газетаси қўшида ташкил топган республика ёш ижодкорларининг «Ижодкор» футбол жамоаси билан бирга пойтахтдан Ўзбекистон футбол федерацияси, ойна жаҳон, радио, «Халқ сўзи», «Спорт», «Савдогар» газеталари ва «Гулистон» журналидан вакиллар ташриф буюришди. Дастлаб меҳмонлар Булунғур туманида спортни ривжонлаштириш йўлида жиддий ишлар олиб бораётганликлари билан танишдилар. Сўнгги марказий ўйингоҳга Янгилган туман меҳнаткашлари билан учрашди. Туман аҳоли ўзларини қизиқтирган саволлар билан бокс бўйича жаҳон чемпиони, Олимпиада ўйинлари совриндори Руфат Рискиев, футбол федерацияси инспектори, республика тоифасидаги ҳакам,

таниқли футбол шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев, шарҳловчи Азим Алимов, «Спорт» газетаси бош муҳаррири Сафар Остоновларга мурожаат қилишди. Шундан сўнг Мавлуда Ойнақўлова бошчилигидаги «Туркистон» дастаси туман меҳнаткашларини рағбатлантириш мақсади билан хушнуд этди. Шойра Зулфия Мўминова ва шоир Норқобил Жалил ўзларининг иккдорлардан намуналар ўқиб берди.

Айниқса, «Тошкент оқшом» газетасининг спорт шарҳловчиси Шухрат Армоновнинг шиша синиқлари ва ўқир тигли пичоқлар билан йог санъатини намойиш қилиши ўйингоҳдагиларни бир зум ҳаяжонга солиб қўйди. Сўнгги майдонга Булунғур туманининг ёш спортчилари чиқиб, ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Байрам сўнггида яшил майдонга «Ижодкор» ва туманининг «Ешил» футбол жамоалари чиқишди. Шу ўйинда «Ижодкор» жамоаси ҳусусида тўхталиб ўтиш жоиз. «Ижодкор» — фахат марказий нашлада хизмат қилаётган ёш ижодкорларнинг футбол жамоаси дегани эмас. Бу жамоа аввал ҳам республикамизнинг бир қанча вилоятларида бўлди. Ўзи ташриф буюрган жойларда аҳоли орасида янги футбол

жамоаларининг ташкил топишга, истеъдодли футболчиларни кайф этишга асос солайпти. «Ижодкор» туфайли Иштихонда «Наврўз», Янкатутда «Ишони», пойтахтнинг «Шайхонтоҳур» маҳалласида «Нуррашом» каби бир қанча жамоалар ташкил топди. Айниқса, «Ишони» жамоаси бугунги кунда республика чемпионати баҳсларида муваффақиятли қатнашаётганлиги «Ижодкор»нинг ижодкорга хос меҳнати маҳсулидир.

«Ижодкор»нинг бу сафарги рақибини анча тажрибали чиқиб қолди. Тўрт, биринчи бўлиб «Ижодкор»нинг фахрий ўйинчиси, бокс бўйича жаҳон чемпиони, 92-рақамли Руфат Рискиев ўн бир метрли белгидан ҳисобини очди. Бироқ мезбонлар тезда олдинга чиқиб олиб, ҳатто ҳисобни 4:1 га етказди. Фақат 88-рақам остида ўйнаётган таниқли актёр ҳамда тележурналист Соат Шариповнинг «нуфузли» ўйини, очқ дарвоза томон «Яшл топа олиш» маҳорати шу кунини «Ижодкор»ни муқаррар мағлубиятдан сақлаб қолди. Ўйин 5:5 ҳисобида дуранг натижа билан тугади. Шу кунини Булунғур тумани меҳнаткашлари ўйингоҳдан руҳлари энгил тортиб, табассум билан қайтдилар. Демак, улар ушбу спорт байрамини уюштирган туман раҳбарияти ишидан мамнун бўлдилар, десак халто қилмаймиз.

Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• Спорт •

СУВ ТҶУПИ

НАВБАТ «ОСИЁ

ЎЙИНЛАРИ»ГА

САМАРҚАНДАДА сув тўли бўйича эркаклар ўртасида Ўзбекистон чемпионати баҳслари тугади. Унда Тошкент шаҳрининг биринчи жамоаси ғолиб чиқди. Самарқандликлар иккинчи, Тошкент шаҳрининг иккинчи жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Биринчилик анча юқори руҳда ўтди. Мусобақа давом этаётган бир пайтда болалар ва ўсмирлар махсус спорт мактабининг директори Исом Ҳулоновнинг ўз қўнтакли ҳисобига «Энг яхши дарвозабон», «Энг яхши ҳужумчи», «Энг яхши ҳимоячи» мукофотлари таъсис этиши томошабинлар учун хуш кайфият, спортчиларга кучкуват бағишлади.

Эндиликда бу ерда Ўзбекистон терма жамоаси йигилиб, улар Осиё ўйинларига тайёрланмоқдалар.

Т. ИСКАНДАРОВ.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Аҳоли жамоаларининг Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки муассасаларига жалб қилиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 июлдаги 336-сонли қарорига асосан 1993 йил 1 июлдан Жамғарма банки муассасаларида депозит омонатлари жорий қилинди.

Депозит омонатлари камида 1 йил ва ундан ортиқ муддатга қўйилади ва улар бўйича йилига 80 фоиз ҳисобидан даромад тўланади. Бу омонат турлари бўйича счётлар 100 минг сўм ва ундан юқори қийматларга очилади.

Депозит омонатлари бўйича қўшимча тўловлар ва пулли қисман олиш мумкин эмас. Агар омонат белгиланган муддатдан илгари олинса, даромад тўланмайди.

Қўшимча маълумотларни Жамғарма банкнинг ҳоҳлаган муассасасидан ҳамда қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 45-35-49; 45-66-43; 33-51-95.

ЎЗЖАМҒАРМАВАНКИ.

«Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма бош директори, Ўзбекистон Республикаси халқ ноиб, Халқаро муҳандислар академиясининг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори Абдували Ғуломмаҳмудовга қайнонаси

Пўлатхон ИҶЛДОШЕВАННИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси сектор мудири А. Иноятовга оғаси

Мавжуда ЮСУПХҲАЕВАННИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

• ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кеиғашини Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖҲАБОВЕВ

ТАҲРИР ҲАЙАТИ:

Абдунаби ВОҚЎЗИЕВ, Эскирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Мирнамал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмед РИЗАЕВ, Алесандр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Мухаммадхон ҚОРАБОВ, Сандаҳор ҒУЛОМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй

Навбатчи муҳаррир
И. Ғўбасаров, навбатчи
Б. Норбоев.